

“ОЙҚОР” ТОҒИ ОРОНИМЛАРИ

Доц.М.Турсунпўлатов

Д.Турсунпўлатов

Аннотация

Мақолада Бахмал туманида жойлашган Ойқор тоғи оронимлари ҳақида қисқача маълумот берилади.

Калит сўзлар: Ойқор, азиз, қадамжойлар, Жумжум, Новка, Ўснат, Боғмозор, ота, Овго, Бел газза, Чўкки, Қир, Қашқа, Қўтонлар.

Аннотации

В статье дается краткая информация о памятниках горы Ойкар Бахмальского района.

Ключевые слова: Ойкор, азиз, кадамджойлар, Джумжум, Новка, Уснат, Богмозор, ота, Овго, Бел газза, Чукки, Кир, Кашка, Кутон.

Annotation

The article gives a brief information about the monuments of Mount Oikar in Bakhmal district.

Keywords: Oykor, aziz, kadamjoylar, Jumzhum, Novka, Usnat, Bogmozor, ota, Ovgo, Bel gazza, Chukki, Kir, Kashka, Kuton.

Қадим-қадимдан кишиларни “Дунё сирларини билиш мумкинми?”, деган савол қизиқтириб келган. Бу ҳол кейинчалик турли фан тармоқларининг юзага келишига сабаб бўлган. Табиатда нарсаларнинг асл моҳиятини изоҳлаш табиатга, жамиятга фалсафий қарашларга олиб келган. Табиат ва жамиятдаги боғлиқлик ва мослик ҳақидаги таълимот сўз билан нарсалар орасидаги муносабатни қандай изоҳлаш лозимлигини белгилар эди. Бу масала сўзларнинг “тўғрилиги” ҳақидаги қадимги файласуфларнинг мунозараларида ўз ифодасини топди.

Инсоният ўз ақлини танигандан бошлаб ўзларига, ўз атрофидаги нарсаларга ном бера бошлаганлар. Дунёдаги тирик мавжудодларга, жонсиз предметларга (Ҳасан Али, Нур Ислоқ, Элшод бўри, тулки, айиқ, Жайхун, Сир, Зарафшон, Олой, Помир, Ойқор дея ном бера бошлаганлар).

Шундай қилиб, топоним (географик ном)-арабча сўздир. Ана шу оддий сўз тилшуносликда сўз туркумларининг қайси бирига, яъни отга (Жиззах, Самарқанд, Бухоро), сифатга (Сори кўл, иссиқ кўл), сонга (уч қиз, қирқ қиз, уч кўл, беш булоқ) каби.

Дунёда бўлганидек Ўзбекистонда ҳам шунчалик топонимлар, оронимлар, ойконимлар, гидронимлар кўпки, буларнинг асл номларини аниқлаш осон эмас. Маъносидан қатъий назар топонимларнинг кишилик жамият учун энг муҳими жамият учун манзил бўлиб хизмат қилишидир. Демак, жой номлари бир жойни иккинчи жойдан, бир тоғни иккинчи тоғдан бир кўтонни иккинчи кўтондан фарқлаш учун керак. Топонимика беришнинг маҳсули бўлмай, турли даврлар маҳсули бўлиб, асрлардан асрларга яшайди. Масалан: Қўтирбулоқ, Молгузар, Ўсमतота, Учқўл.

Ўзбекистон худудидаги тоғлар Тяньшан ва Ҳисор Олой тоғ тизмаларига киради. Ўзбекистон худудидаги топонимларнинг барча турларига қараганда оронимлар кам ўрганилган соҳалардан бири саналади.

Оронимлар лексикасида географик атамалар катта ўрин тутди. Масалан: ўсимлик номлари, ҳайвон номлари, метофорик номлар, мажозий номлар (достор, газза), “Ойқор” (ойқор газза), азиз авлиёларнинг қадамжойлари Жумжум ота, Новқа ота, Ўсमत ота, Боғмозор ота каби жой номлари, Овғо, Бел газза, Чўққи, Қир, Қашқа, Қўтонлар Ўнгир кабилар киради.

ҚЎТОНЛАР НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ОРОНИМЛАР

“Ойқор” тоғи минг йиллардан буён чорва учун асосий ўтлоқ майдони бўлиб келган. Тарихий маълумотларга қараганда, олтмишинчи йилларда бу маскан, қирқ мингдан зиёд қўй, ўн мингдан зиёд қорамоллар учун яйлов бўлган. Шунинг учун мингдан зиёд қўй, тўрт юз-беш юз қорамоллар бемалол

жойлашадиган, сувга, ўтлоққа яқин жойлар кўтон сифатида танланган. Бу кўтонлар ўша жойнинг шароити ва бошқа хусусиятларига кўра номланган.

Говкўтон. Тоғнинг номи. Сўз таркибидаги “гов” сўзи фарсча бўлиб, “мол” деган маънони беради. “Кўтон” сўзи “бирга боқилаётган мол тўдаси, мол подаси, сурув” маъносида. Масалан шу кеча тушимда чўпон бўлибман, кўтонимни қирнинг тўрида қурибман (Ислом шоир). Майдонга бир кўтон кўйни ҳайдаб кетишди. (Ғ. Расул)

Кўй ёки қорамоллар кечаси ётқизиладиган катта кўра ёки махсус бино, кўйхона, молхона. Масалан Умарқул эрталаб ердан қиров кўтарилай деганда, кўйларни кўтондан чиқарди (О. Хусанов).

(Кўтоннинг)

Ёнбошқўтон. Тоғнинг номи. Ёнбош - ён, ён томон, бир томонга оғмоқ, эгилмоқ, қийшаймоқ, қиялик, ёнда, ён томонига, ён томонидан каби. Ёнбош сўзи кўп маъноларда ишлатилади. 1. Ёнбоши ерга тегмаган, курашда йиқилмаган, зўр полвон. 2. Ёнбошига олмоқ. Али полвон мени бир неча марта айлантириб ёнбошига олмоқчи ва ерга урмоқчи бўлди (П. Турсун). 3. Ён тарафга, ён томонга яқин. Масалан, Мактабнинг ён томонида болалар боғчаси бор. (“Жиззах ҳақиқати”).

Ёнбошқўтон - қияроқ жойда жойлашган, доимий шабада эсиб турадиган, кўйлар, подалар ётиши учун қулай бўлган кўтон маъносидир.

(Кўтоннинг номи)

Арчали кўтон. Тоғнинг номи. Арча. Сарвлар оиласига мансуб, игнабаргли, доимий яшил дарахт ёки бута. Масалан “Чинор чиримас, арча қуримас” (Мақол). Арча(ли). Арча билан банд ер, майдон ёки ўрмон¹. Масалан Кўксой ўзанидан кўтарилаётган қуюқ туман Добил камарида қалашиб ётган арчазор устига салобат билан бостириб бормоқда (С. Анорбоев).

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва, 1981, 56-бет.

Арчали қўтон – атрофи қалин арча билан қопланган қўтон маъносида. Масалан Арчали қўтон яхши-ю, йўли анча ноқулай, илгари бу жойларга йўли тушмаган одамнинг бориши анча ноқулай (Ж.С.Н)

Пиёзли қўтон. Тоғнинг (**Қўтоннинг номи**) номи. Пиёз [ф-т]. Барглари найзасимон, узун бўлиб, илдиз тугуни юпқа, қат-қат пўстларидан юмалок тугунак ҳосил қиладиган, тугунаги ва ёш барги овқатга истеъмол қилинадиган полиз ўсимлиги. Масалан: Бутун оиласи бу ерга помидор, пиёз, редиска, карам ва ҳоказо резавор экиб, мумкин қадар элдан бурунроқ бозорга чиқариб, “пул” қилишга тиришар эди (Ойбек).

Ўрта Осиёнинг тоғли раёнларида, жумладан, “Ойқор” тоғининг “Учкўл” тоғи билан туташган жойида ўсади. Тугунак ҳосили маринават қилинади. Бу пиёз ички касалликларга даво, кишилар хом ҳолича ҳам, пишган ҳолича ҳам истеъмол қиладилар. Ўсимликлар тилида бу пиёз “анзурпиёз” номи билан юритилади.

Бу пиёз номи билан юритилувчи қўтон ёзда молларни дам олишлари учун ниҳоятда қулай жой. “Ойқор”дан доимий салқин шамол есиб туради. Иккинчидан, атрофи майсали, кенг майдонли. Лозим бўлса қўтондан 15-20 тонналаб пиёз олиш мумкин, бир пайтлар шундай ҳам бўлган. Пиёзнинг катталиги ҳар қандай картошкадан икки баробар каттадир. Масалан: Болам, - деди Ризобобо – қўйларни пиёзли қўтонга ҳайда, бўлмаса бу жазирамада қўзиларни олдириб қўямиз (Ж.С.Н).

Текис қўтон. Бу қўтон Олича тоғи билан Куюнди тоғининг оралиғида жойлашган. Бу қўтонда молларнинг бемалол дам олишлари учун ҳамма қулайликлар мавжуд. Биринчидан, сувга яқин, иккинчидан, атрофи ўтлоқзор, учинчидан, атрофи арчалар билан ўралган, тўртинчидан, қўтон баландликда жойлашганлиги учун чор-атроф кўзга ташланиб туради. Масалан. Болам, - деди Соат бобо, - қўйларни бугундан бошлаб текис қўтонга ҳайда, ҳализамон кунлар исиб кетади (Ж.С.Н).

Зарқўтон. Тоғ номи. Бу қўтон Исмаат тоғининг паст текислигида, Зархона сойида жойлашган. Бу қўтонда яйловлари кенг адирда жойлашган.

Бир пайтлар бу кўтоннинг чор атрофи четан дарахтлари билан ўралиб, колхознинг беш юздан ортиқ қора моли май ойдан октабр ойига қадар шу ерда боқилган. Қора уйлар тикилиб, сигирлар шу ерда соғилган.

Заркўтон сўзи таркибидаги зар сўзи [ф. зар – олтин тилла]. Бу ўринда шу жойнинг берган фойдаси олтинга тенг, олтинга нисбатан берилган киймати ҳақида. Масалан.- Раис бува, кечаги ҳафтага нисбатан сигирлардан икки баробар сут олинди, бу заркўтонанинг фойдаси, - деди Мустафоқул ферма (Ж.С.Н).

Заранг кўтон. Кўтон номи [ф. заранг - ёғочи қаттиқ дарахт]. Кўнғурадор, ялтироқ баргли, ёғочи қаттиқ дарахт. Шу дарахт мавжуд жойда жойлашган кўтон. Шунинг учун ҳам бу жойдаги кўтон шу дарахт номи билан номланган.

Тошкўтон. Кўтон номи. Бу кўтон “Ойқор” тоғининг кун чиқар томонида жойлашган. Кўтон қачон, кимлар томонидан қилинганлиги ҳақида ҳеч ким маълумот бера олмади. Бу кўтоннинг Тошкўтон деб номланишига сабаб ҳам кўра бир метрлар чамаси баландликда текис ҳолида ўралган. Кўтонга бўри ёки шунга ўхшаш нарсаларнинг сакраб кириши ва сакраб чиқиши натижасида қулаб кетиши эътиборга олинган шекилли, майда емас, катта-катта тошлар терилган. Шунинг учун ҳам бу кўтон номи “Тош кўтон” деб номланган.

Кичик кўтон. Кўтон номи. Бу кўтон Заркўтоннинг тепа томонида яъни, тоғнинг тепаликда жойлашган. Бу кўтоннинг бошқа кўтонларга нисбатан анча кичиклиги, юздан зиёд молнинг сиғмаслиги эътиборга олинди, кичик кўтон номи билан аталган. Масалан.- Оқсоқларнинг бири нечаси кичик кўтонда қолдирилди, - деди Садир чўпон бошлиққа (Ж.С.Н).

Кўринадики, ҳар бир кўтоннинг номлашда нимадир эътиборга олинган. Бу номлар тасодифий бўлмай, шу ерда яшовчи халқнинг тажрибасидан, эстетик дидидан келиб чиққан.

Хулоса қилиб айтганда, “Ойқор” тоғи оронимларга бойдир, баъзилари ҳақида сўз юритдик. “Ойқор” тоғи билан боғлиқ оронимларни илмий тадқиқот сифатида ўрганиши давом этириши керак.